

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

Ўзбекистон коммунисттик партияси Тошкент об-  
ласть комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Тошкент об-  
ласть советининг органи

21-ЙИЛ  
ЧИҚИШИ

№ 224 (5317).

15  
НОЯБРЬ  
Ж У М А

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.



## ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ МАКТАБИ

Кеча Тошкент об-  
ласть партия  
комитетида бир йиллик жур-  
налист маҳорати мактаби иш бо-  
шалади. Унда район, шаҳар, об-  
ласть газеталари, телевидение ва радио-  
си ходимлари, радио таъкилотчи-  
лари, район ҳамда шаҳар партия  
комитетлари ходимлари қатнаш-  
моқда.

Мактаб тингловчилари олим-  
лар, оммавий информация муас-  
сасалари раҳбарлари, партия, со-  
вет, ҳўжалик, касаба союз ҳамда  
комсомол ходимларининг лекция  
ва суҳбатларини тинглайдилар.  
Мактаб программасида совет мат-  
буоти тарихи, назарияси ва прак-  
тикаси, журналистик маҳорати  
масалалари кенг ўрин берил-  
ган. Бундан ташқари тингловчи-  
лар ўзаро таъриба алмашадилар,  
қатор газета редакциялари лётуч-  
налариди иштирок этидидилар, бос-  
маҳоналарда, нашриётларда, теле-  
марказда ҳамда радио уйда бў-  
либ у ердаги ишлар билан батаф-  
сил танишадилар.

Машгулотлар ойна бир марта  
ўтказилди. Ўқув йили охирида  
мактаб тингловчилари билан суҳ-  
бат — аттестация ўтказилди ва  
область партия комитетида улар-  
га гувоҳномадор топширилди.

Дастлабки машгулотда об-  
ласть партия комитетининг секретари  
А. М. Хўжаев КПСС XXIV съез-  
ди қарорларини бажаришда  
оммавий информация ва пропаган-  
да воситаларининг вазифаси  
мавузунда доклад қилди. Сўнгра  
«Ўзбекистон маданияти» газетаси  
редактори Т. П. Қасимов, Тошкент  
область партия комитети план ко-  
миссияси раиси А. А. Валиев,  
«Ташкентская правда» газетаси  
редактори Б. М. Шатуновский  
мактаб тингловчилари ҳузурида  
лекция ва докладлар қилдидилар.

Машгулотда Ўзбекистон Ком-  
партияси Марказий Комитетининг  
пропаганда ва агитация бўлими  
мудирини М. И. Исмаилов ишти-  
рок этди.

Мактаб тингловчилари В. И.  
Левин номли Марказий музей  
филиалини бориб қурдидилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ  
ПРЕЗИДИУМИНИНГ  
Ф А Р М О Н И

ЎРТОҚ П. Н. ДЕМИЧЕВИ  
СССР МАДАНИЙТ МИНИСТРИ  
ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ  
ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми  
қарор қилди:  
Ўртоқ Петр Николаевич ДЕМИЧЕВ  
СССР Маданият министри қилиб  
тайинлансин.

СССР Олий Совети  
Президиумининг Раиси  
Н. ПОДГОРНИЙ.  
СССР Олий Совети  
Президиумининг Секретари  
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.  
1974 йил, 14 ноябрь.

## МЕҲНАТ ВАХТАСИДА


ТОШКЕНТ авиаремонт корхонаси республикаимизнинг тегишдир. Ўтган ярим аср мобайнида бу корхона таниб бўлмас дара-  
жада ўзгариб кетди. Қўшна ярим кустар устоналар ўрнида бугун темирбетон конструкциялардан қад ростлаган ойнаванди улкан  
деҳлар вужудга келди. Улар энг янги замонавий техника билан қўролланган, ишчиларнинг юқори унум билан меҳнат қилишлари учун  
барча зарур шартлар муҳайе қилинган.

Корхона коллективи, айниқса, юбилей йилида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилиб, замонавий «ИЛ-62» ҳаво лайнерини мукам-  
мал ремонт қилишни ўзлаштириб олибгина қолмай белгиланган йилнинг ўтган ўй оини давомиди пландан ташқари битта улкан самолёт-  
ни қўлдан чиқаришга эришди.

Яқинда илгор корхона коллективи СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида бинаои ишлаб чиқаришга илгор техноло-  
гияни жорий қилиб, план-топшириқларини муваффақиятли бажа ришга эришадигани учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан муво-  
фотланди.

Суратларда: (юқорида) таъриблик механик Юрий Родионов иш устида, (пастда) йиғув цехининг умумий кўриниши.

А. Горюхриқ фотолари. (ЎТАГ).



## ПЕШҚАДАМ ПАРДОЗЛОВЧИЛАР

Турсунбой Исмомов бошчи-  
лик қилаётган бригадани пар-  
дозлов трестининг 31-қўрилмиш  
бошқармасида зарбдор коллек-  
тив, деб аташди. Улар бундай  
номни қўлга киритишга қўй  
ибратли ишларни амалга ошир-  
дилар. Бригададаги 24 киши-  
нинг ҳаммаси коммунистлик меҳ-  
нат зарбдоридир.

Пардозловчилар бригадаси  
Октябрь байрами арафасида 32  
ва 16 квартираларни иккита бино  
ни муздатидаги ўн кун илгари  
пардоздан чиқаришди. «Мар-  
каз-5» микрорайонида яна икки-  
та бинони пардоздан чиқарди.  
«Юнусов» масивиндаги бо-  
лалар комбинати, 32 квартира-  
ли турар-жой биносини эса янги  
йилга қўйилганга топшири-  
ди. Бригаданинг Г. Насибу-  
лина, М. Ёлдошев, З. Мухам-  
маджонова, М. Абдулина каби  
илгор сувоқчилари шахсий беш  
йиллик топшириқларини бажа-  
риб қўйиб, келгуси беш йиллик  
ҳисобига ишлашпти.

С. СУЛТОНОВ.

## ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА, ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!  
Ўзбекистон Коммунисттик партияси Мар-  
казий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министр-  
лар Совети сизларни улкан меҳнат галабаси  
— мураккаб минерал ўнглар ишлаб чи-  
қариш Олмалиқ химия заводи иккинчи на-  
батининг лойиҳада белгиланган қуввати му-  
ддатида илгари ўзлаштирилганлиги билан  
қизгин таъриқлайдилар.

Завод коллективининг лойиҳачилар, қурув-  
чилар ва монтажчилар билан иккунд ҳама-  
корлиги натижасида ва иттифокдош республика-  
ларнинг қардошларча ёрдами туфайли корхо-  
на иккинчи набатини қўриш ва унинг қува-  
тини ўзлаштириш мудида қарийб икки бара-  
вар қисқартрилди.

Партия, касаба союз ва комсомол ташки-  
лотларининг социалистик мусобақани авж ол-  
дирш ва меҳнаткашларини Ўзбекистон ССР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг 50 йил-  
лигини муносиб кутиб олишга сафарбар қи-  
лиш соҳасидаги юксак ташкилотчилик ва  
сиёсий иш муваффақият қозонишга жуда  
катта ёрдам берди.

Завод иккинчи набатининг лойиҳада бел-  
гиланган қуввати мудидаги илгари ўзлаш-  
тирилганлиги — республика қишлоқ ҳўжали-  
гини, хусусан пахтачиликни ривожлантириш  
ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Ўзбекистон Коммунисттик партияси Мар-  
казий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министр-  
лар Совети Олмалиқ химия заводиинг кол-  
лективи Ўзбекистонда минерал ўнг ишлаб  
чиқаришни кўпайтиришга бундан бўён ҳам  
катта ҳисса қўлади, деб ишонч билдирадилар  
ва азиз ўртоқлар, сизнинг социалистик ва-  
танинғиз бахт-саодати йўлида янги меҳнат за-  
фарларига эришувингизни тилайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## СОВЕТ-ШРИ ЛАНКА МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

КПСС Марказий Комитети Сийёс  
сий бюросининг аъзоси, СССР Министр-  
лар Советининг Раиси А. Н. Косигин 13  
ноябрь кўни Шри Ланка  
Республикасининг Бош министри  
Сиримаво Р. Д. Бандаранайке билан  
учрашди.

А. Н. Косигин билан Сиримаво  
Р. Д. Бандаранайке Совет-Шри-Ланка  
икки томонлама муносабатлари ма-  
салаларини, шунингдек ҳар икки  
томонни қизиқтирувчи калқаро  
проблемаларини муҳокама қилишни  
давом эттирдилар.

Учрашув сессиясини, дўстона вазият-  
да ўтди.

А. А. Громико, СССР Министрлар  
Совети Раисининг ўринбосарлари  
И. В. Архипов, В. Э. Димшиц, И. Т.  
Новиков, З. Н. Нуриев, Л. В. Симо-  
нов, РСФСР Министрлар Совети  
Раисининг ўринбосари В. П. Елтонин,  
СССР Министрлар Совети Раисининг  
аъзоси, СССР Министр-  
лар Совети Ташқи иқтисодий алоқа-  
лар Давлат комитетининг Раиси С.  
А. Скачков, бошқа расмий кишилар;

Шри Ланка томонидан — Бош ми-  
нистрга ҳамроҳ бўлиб келган киши-  
лар ҳозир бўйдилар.

КПСС Марказий Комитети Сийёс  
сий бюросининг аъзоси, СССР Министр-  
лар Советининг Раиси А. Н. Косигин  
КПСС Марказий Комитети Сий-  
сий бюросининг аъзоси, СССР Таш-  
қи ишлар министри А. А. Громико  
билан Шри Ланка Республикасининг  
Бош министри Сиримаво Р. Д. Бандаранайке ўртасидаги музокара-  
лар 13 ноябрь кўни нийҳосига етказил-  
ди.

Дўстона вазиятда ўтган музокара-  
лар чоғида ҳар икки томонни қи-  
зиқтирувчи масалаларни қўриб чи-  
қиш давом эттирилди.

Музокарачилар ақиллари тўғри-  
лиқ билан Совет-Шри Ланка алоқари  
қилишиб олинди: Бу алоқаро эълоҳ  
қилинади.

Шри-Ланка Республикасининг Бош  
министри Сиримаво Р. Д. Бандаранайке  
14 ноябрда Москвадан Тбилисига  
сига жўнаб кетди. У Совет ҳукумати-  
нинг тақлифига бинаои расмий ви-  
зит билан СССРда меҳмон бўлиб  
турибди.

Шри-Ланка Республикаси ва Совет  
Иттифокининг давлат байроқлари  
билан безатилган Внуково аэродро-  
мида Бош министри СССР Министр-  
лар Советининг Раиси А. Н. Косигин,  
СССР Ташқи ишлар министри А. А.  
Громико, СССР Министрлар Совети  
Раисининг ўринбосари И. В. Архи-  
пов ва бошқа расмий кишилар ўза-  
тиб қолишди.

(ТАСС).

## ЎРТОҚ А. П. КИРИЛЕНКОНИНГ ТУРКМАНИСТОНДА БЎЛИШИ

АШХОБОД, 13 ноябрь. (ТАСС).  
Туркменистон диярида шодона  
байрам бошланди. Бутун совет ҳал-  
қи каби республика меҳнаткашлари  
ҳам Туркменистон ССР ташкил  
этилганлиги ва Туркменистон Ком-  
партияси тузилганлигининг 50 йил-  
лигини нишонлашга ҳозирлик қў-  
моқдалар.

Бугун юбилей тантаналарига КПСС  
Марказий Комитети Сийёс сий бюроси-  
нинг аъзоси, КПСС Марказий Коми-  
тетининг секретари А. П. Кириленко  
келди. Аэропортда уни Кириленко  
Совети Президиумининг Раиси А.  
Кличев, республика Министрлар  
Советининг Раиси О. Н. Оразмуха-  
медов, Туркменистон Компартияси  
Марказий Комитети бюросининг  
аъзолари, партия ва совет ташкилот-  
ларининг раҳбарлари, шунингдек  
юбилей байрамида қатнашиш учун  
барча иттифокдош республикалар-  
дан, Москва ва Ленинграддан кел-  
ган делегацияларнинг бошқилари,  
Урта Осиё ҳарбий округининг деле-  
гацияси кутиб олдилар.

Туркменистон партия ва совет ташкилот-  
ларининг аъзолари, партия ва совет ташкилот-  
ларининг раҳбарлари, шунингдек  
юбилей байрамида қатнашиш учун  
барча иттифокдош республикалар-  
дан, Москва ва Ленинграддан кел-  
ган делегацияларнинг бошқилари,  
Урта Осиё ҳарбий округининг деле-  
гацияси кутиб олдилар.

Коммунист партия ва совет ташкилот-  
ларининг аъзолари, партия ва совет ташкилот-  
ларининг раҳбарлари, шунингдек  
юбилей байрамида қатнашиш учун  
барча иттифокдош республикалар-  
дан, Москва ва Ленинграддан кел-  
ган делегацияларнинг бошқилари,  
Урта Осиё ҳарбий округининг деле-  
гацияси кутиб олдилар.

Республика юбилейи арафасида  
революция қурашчилари шарафига  
қўйилган ёдгорлик музейи ёнидаги  
абдий гулханга ва Улуғ Ватан уру-  
ши йилларида ватан учун қилинган  
жангларда ҳалок бўлган туркменис-  
тонлик жангчилар шарафига ўрна-  
тилган обидага ҳам гуллар қўйилди.

Республиканинг олтин юбилейи  
муносабати билан Ашхобод маркази-  
да ҳўкаламзор киббон барпо  
этилди. Киббонга биринчи нҳол  
КПСС Марказий Комитетининг Бош  
секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг  
илтимосига бинаои ўтказилди. Ўртоқ  
А. П. Кириленко, республика раҳ-  
барлари, делегацияларнинг бошқилари  
қўриб қўйилди.

Шу кунни ўртоқ А. П. Кириленко  
Туркменистон Компартияси Мар-  
казий Комитети бюросининг аъзолари  
ва аъзоларига кандидатлари билан  
учрашди.

## ҒОЯВИЙ ЧИННИҚИШ

«Ўқин, ўқин ва яна ўқин».  
Бу ленинча жанговар чакирчи  
қозир, ҳам ўз ақуаллигини йў-  
қотган эмас. У коммунизм қу-  
рувчиларининг барча авлоди  
учун, мамлакатимизнинг ҳамма  
тоифа кишилари учун тааллуқ-  
лидир. Ишчилар, колхозчилар,  
зиёлилар, коммунистлар ва  
партиясизлар, кексалар ва ёш-  
лар, раҳбар ходимлар ва од-  
дий меҳнат кишилари — ҳам-  
ма касб ва соҳа одамлари учун  
ўқини, ўрганиш замон тақозоси-  
дир. Зотан, меҳнатинг самара-  
ли бўлиши учун, умумий  
ишга қўшадиган шахсий ҳисса-  
низ янада салмоқли бўлиши  
учун билимдон, заковатли бў-  
лоқ талаб қилинади.

Социал тараққиёт жадаллаш-  
ган, иқтисодий ва маданий қу-  
рилиш ишқислари ўсиб бораёт-  
ган бир пайтда илтимойи об-  
ластларини тўғри баҳолаш, пар-  
тиянинг ички ва ташқи сийсати-  
ни яхши тушуниш коммунизм  
ғойалари пропагандасини комму-  
нистлик қурилиш практикаси билан  
боғлаб билиш, айниқса, зар-  
ур.

Бугун сийсий таълим систе-  
масининг турли звеноларида  
янги ўқув йили бошланмоқда.  
Коммунистлар, комсомоллар  
ва партиясизлар сийсий ва иқ-  
тисодий билимларини қўриб  
билан чуқурлаштиришга кириш-  
моқдалар. Ҳозирги даврда  
ғойивий жиҳатдан чинниқш ҳар  
бир онгли меҳнаткашнинг,  
барча совет кишиларининг  
маънавий эҳтиёжига айланган.  
Чунки улар ўзларини комму-  
нистлик бўёқдорлигини буюк  
ишга шахсан дахлдор деб  
билишлар.

Бу ўқув йилида партия,  
комсомол маорифи ва иқтисод-  
ий таълим системасида об-  
ластия бўйича 643 мингдан ор-  
тиқ киши машгулотларда иш-  
тирок этиди. Кейинги йилларда  
КПСС XXIV съезди қарор-  
лари, партиянинг янги назар-  
ий ҳулосалари ва қўдалари  
базасида марксизм-ленинча сий-  
сий ва иқтисодий таълим ма-  
муни анча чуқурлашди, унинг  
ҳаёт билан, коммунистлик қури-  
лиш практикаси билан алоқа-  
си янада муштаҳамроқ бўлиб  
қолди. Областики партия  
ташкилотлари пропаганда  
кадрларини танлаш ва тайёр-  
лашни янада яхшилаш, маш-  
гулотларнинг гоийий-назарий  
даражасини ошириш борасида  
кўп ишлар қилдилар.

Марксизм-ленинизм назария-  
сини, КПСС тарихи ва  
сийсатини ўрганиш жараёни-  
да коммунистлар, кенг меҳнат-  
кашлар оммасининг партия  
хўжатларининг гоийий-назар-  
ий мазмунини бундан бўён  
ҳам янада тўлароқ ўзлашти-  
ришларини таъминлаш муҳим-  
дир.

Партияимизнинг халқ фаро-  
воқлигини ва маданиятини  
оширишга қаратилган социал  
сийсати масалалари, партия  
хўжатларида янада ривож-  
лантирилган ленинча илмий  
сийсатининг ақуал проблемалари,  
интернационал ва ватан-  
парварлик тарбияси проблемалари  
ўрганиш ўқув програм-  
маларида аввалгидек мўжосиб  
ўрин олади.

Шуни мамнуулик билан таъ-  
кидлаш мумкинки, партия  
ташкилотлари ўтган йили  
КПСС Марказий Комитетининг  
«Меҳнаткашларнинг иқтисодий  
таълимини яхшилаш тўғрисида»  
дағи қарорини бажариб, иқтисодий  
ўқинишнинг янада ривож-  
лантирилган ортишини таъ-  
минладилар. Иқтисодий ўқиниш  
ташкили «Ташеель-  
маш», авиация заводлари, БУ-  
ка райониди «Октябрь» 40  
йилнинг ва Ҳамза номли кол-  
хозлар яхши таъриба тўпладилар.  
Бу йилларда иқтисодий  
ўқинишдан меҳнат унумдорлигини  
ошириш резервларини қиди-  
риб топилди, ишлаб чиқариш  
ни ташкил этишининг илгор  
формаларини ўрганиш ва жо-  
рий йилда, социалистик мусо-  
бака самарадорлигини оши-  
ришда, меҳнат натижасини  
муштаҳамлашда кенг фойда-  
ланилмоқда.

Шу билан бирга эътироф

# ОКТАБРЬ ТУФАЙЛИ ГУЛЛАБ-ЯШНАЁТГАН ҲАҚИҚАТИ

Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқлари байрам либосида. Туркман халқи ўз давлати тарихидagi шонли воқеани — республикамиз ва Ленин Коммунистик партия жанговар отрядларидан бири бўлган Туркманистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигини нишонламоқда.

Республика меҳнатқашлари ана шу шонли санаи катта, ажойиб байрам сифатида қутиб олдилар.

Ўзининг давлат суверенитети ва миллий мустақиллигини қўлга киритган республикамиз шарқда социализм қурилишининг истеҳкомларида бирига айланган. Республикамиз инсоният тарихида янги давр-капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошлаб берган Ҳуш Октябр социалистик революциясининг ғалабаси натижасида юзага келди.

Республикамизнинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари, барча меҳнатқашлари ярим аср давомида босиб ўтилган йўлга назор ташлар эканлар, КПСС раҳбарлигида мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг ва аввало ўзга рус халқининг ёрдамида коммунистик қурилишда эришган жуда катта узагаришлар, икки қўрилишлар муваффақиятлардан қувонмоқдалар.

1925 йили хотирлайлик. Давлатимиз ташкил топган ўша йили саноат маҳсулотининг саноати республика ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмига нисбатан 28 процентини ҳам ташкил қилмасди. Қишлоқ ҳўжалиги жуда сода ва усунда эришларди. Пахта, дон, полиз экинларининг ҳосилдорлиги нисбатан паст даражада эди. Бунга сабаб агрохотика даражасининг пастлиги, ерми шайлайдиган восталарнинг йўқлиги эди. Деҳқонлар иштирокида кетмон, беликур, омон бор эди. Суя тегишмасди.

Ушунга Октябр социалистик революциясига қадар Туркманис-

Уттизинчи йилларнинг ўрталаридаёқ умумтаълим ва махсус ўқув юрталарининг, маданий-оқар-тининг кенг тармоғи вужудга келди. Миллий театр, тасвирий санъат, музика яратилди. Туркман адабиётининг жанрлари бойланди. Туркман совет шоирлари ва прозаларининг бутун бир плеядаси етишб чикди.

Ушунга Ватан уруши йилларида Туркманистон меҳнатқашлари ўзларининг ватанпарварлик бурчиларини адо этиб, душмэн устидан умумий ғалаба қозонишга ўз ҳиссаларини қўиш учун ҳамма ишларни қилдилар. Ун минглаб туркман жангчилари Россия Федерацияси, Белоруссия ва Украина территориясида душманга қарши курашдилар. Польша, Венгрия, Болгария, Руминия эрлари бўйлаб жанг қилиб ўтидилар. Совет Туркманистонининг минглаб фарзандлари СССР орден ва медаллари билан мукофотланган. Ушунга туркман жангчилари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилган. Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жанг майдонларида туркман қаҳрамонлари қони мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни абадий мустақамлади.

Туркманистон ССР ва Туркманистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги нишонланаётган бугунги кунда республикамиз юксак даражада ривожланган, кўп тармоқли саноат ўлкасига, қишлоқ ҳўжалиги механизациялашган, маданияти юксалган йирик ўлкага айланган, деб айта оламиз.

Туркманистоннинг индустриал қиёфасини эндиликда энергетика, химия, нефть, нефтини қайта ишлаш, газ, озиқ-овқат саноати ҳамда саноатнинг бошқа соҳалари белгилаб бермоқда. Экономия-

ка соҳасида ана шу тармоқларнинг қони 80 тага етиб, саноат маҳсулотининг ҳажми ярим аср мобайнида 130 мартадан зиёд бўлган. Ҳозирги кунда Туркманистонда бир кеча-кундузда бутун 1924 йил давомида қазиб чиқарилганга нисбатан етти марта кўп нефть қазиб чиқарилмоқда. Республика мамлакатининг маданий районидаги табиий газ етказиб беришчи асосий манбалардан бири бўлиб қолди.

Мутлақо янги моддий-техника базасига, фан ва техниканинг ҳамда илгор тажрибанинг энг янги ютуқларига таянган қишлоқ ҳўжалиги юксалиб бермоқда. Сохазлар ва колхозларининг далаларида энг тақомиллашган машиналар: пахта териш машиналари, дон экинларини ўрадиган комбайнлар, тракторлар, ишламоқда. Далаларга ўн минг тонналаб минерал ўғитлар чиқарилмоқда.

Илгарилари суя нималигини билмаган дашт ерларга суя чиқарилди. Бу суяни В. И. Ленин номидаги Қорақум канали орқали олиб келинди. Канал саҳрога ҳаёт суяни олиб келди. Жаҳондаги мана шу энг йирик умумий магистрал канал ҳамда «Ҳаёт дарёлари» деб аталган бошқа ирригация иншоотлари экин майдонларини кенгайтириш имконини берди. Мана бу рақамларга эътибор беринг: суғориладиган ерлар майдони 1925 йилдаги нисбатан уч баравар кўпайиб, 744 минг гектарга етди.

Пахтачиллик айнакча тез суяратлар билан ривожланиб бермоқда. 1973 йилда республика пахтачиларини Туркманистон пахтачиллигининг бутун тарихи давомида биринчи марта Ватанга бир миллион тоннадан зиёд пахта топширдилар.

Туркман халқининг моддий ва маданий турмуш даражаси мутасил юксалиб бермоқда. Туркманистон ССРнинг миллий даромади кейинги 15 йил ичида икки барбардан зиёд бўлган. Миллий даромадининг туртдан ўн қисми халқ истеҳком учун сарфланмоқда. Республика меҳнатқашларининг туртдан ўн қисминда кўпроги ўтган 23 йил ичида ўзларининг ўй-хош шароитларини яхшилаб олдилар. Эндиликда республика территориясида кинотеатрлар, поликлинклар, турмушоналар, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, аёллар ва болалар конституцияларининг кенг тармоғи юзага келди. Уларда 5800 дан ортиқ врач ва 17 минг ўрта махсус медицина ҳодими меҳнат қилмоқда.

Республикамизда халқ маорифи шундай юксак даражага кўтарилдики, ҳаттоки, юксак даражада ривожланган кўпгина капиталистик мамлакатлар ҳам бундай даражага эришга олган эмаслар. Ҳозирги вақтда умумий таълим мактаблари ҳамда ҳўнар-техника билим юрталарида 635 минг киши ўқимокда, 6 та олий ўқув юрти



Бу очиқ чехралли қиз Мари область Мари районидagi «Туркманистон» колхозда механизатор бўлиб ишлайди. Э. Нурмухамедова ўз машинаси билан 250 тонна пахта териб, юбилейни қутиб оляпти.



Республикада энг янги ва энг йирик газ ўчоғи Шотландия. Шу йилнинг ўзида бу ерда 20 миллион куб метр газ олиш мўлжалланмоқда. Сурагда: саҳродаги учрашув, «Туркменгазразведка» трестининг шофери В. Рюмин билан қўпон Э. Ниёзқулов.

К. Холлиев ва А. Овчинников фотолари. (ТАСС).

## МУСОБАҚА НАТИЖАСИ

Бекобдаги «Ташводстрой» трестига қарашли ихтисослаштирилган кўча механизация колоннаси ишчи-хизматчилар тўққизинчи беш йилликнинг аниқловчи йилида «улкан ютуқларни қўлга киритишмоқда.

Коллектив меҳнат айти 10 ойлик планини ортиғи билан адо этди. Ана шу муддатда 3021 минг сўмлик ер ишлари бажарилди. 164 гектар ер ўзлаштирилди, 573 гектар ердаги суғориш тармоқлари реконструкция қилинди. 5.74 километр масофадан каналлар бетонлаштирилди. Шунингдек, 942.8 квадрат метр турар-жойлар фойдаланишга топширилди.

Янги ерлар ўзлаштириш ва суғориш тармоқларини реконструкция қилишда коммунистик Айтион Парпихуаев бошлиқ механизациялашган участка ишчилари колонна бўйича социалистик мусобақа ғолиби бўдилар.

Беш йиллик зарбдорлари йиллик планини 13 декабрга бажаришга қарор қилдилар. Б. АБДУВАЛИЕВ, М. РҲЗИМАТОВ.

## АЭРОХИМИК МЕТОД

Аэрохимик метод асосида туқсизлаштирилган чигитлар пахтакорларга қўл келди. Шунинг учун ҳам бу йил катта-катта майдонларга шу хил уруғлик экилди.

Натижаси чакки бўлмади. Ҳўзалар бир текисда ривожланиб, булчи қўсақлар ҳосил бўлди. Пахталар бир текис қийос очилди.

Ўзбекистон ССР Фандар академияси механика ва ишпоотларнинг эндиликда чидамли илмий-тектириш институтига яратилган махсус аэрохимик метод асосан механизация ёрдамида амалга оширилди. Шу билан бирга қўллаб пахта толаси тежаб қолмади.

Ҳўзир институтнинг аэрохимия механикаси бўлими махсус усулни тақомиллаштириш устида қузастилар олиб бермоқда.

## ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯ

Чирчиқдаги ўлка музейи кираверинида катта-бир ҳарита кўзга ташланади. Унда акс эттирилган юксалиш рақамлари, диаграмма ва белгилар социалистик индустрия шаҳри тарихи ҳақида ҳикоят қилади.

Ҳақиқатдан ҳам музей ким-ёғарлар шаҳрининг қўзғуси бўлиб қолди. Бу ерда бўлган киши совет ҳокимияти йилларида Чирчиқда юз берган ўзгаришлар билан қийдан танишади.

Ҳўзир музейда ўнга яқин бўлим бор. Яқинда «Чирчиқ» республикамиз фаҳри» деган янги экспозиция очилди. Экспонатларда ғўзал шаҳарнинг бугунги қиёфаси ўзининг тўла аксини топди.

Музей ҳузурида ёш археолог ва ўлкашунослар тўғарида ҳам иш бошлади.



Сурагда республика пойтахти Ашхободаги муҳташам меҳмонхона ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени Туркманистон Давлат Академик драма театри бинолари тасвирланган.

## ДЕҲҚОН НОЗ-НЕЪМАТИ

Сабзавоткорларимиз йил бошидан бошлаб мўл-кўл сабзавот, мева етиштиришга энг шимардилар. Даладарда, богларимизда ишлаётган ҳар бир киши эсиммага мажбурият олган ҳолда меҳнат қилди, Ишнинг сифатига жиддий эътибор берилди. Бу қўчатларни ўз вақтида экиб олиш, парварши қилиш, бегона ўтларга қарши курашиш, ўғитлардан самарали фойдаланиш имконини берди.

Қишлоқдаги пенсионер меҳнат гвардиячилари кеска коммунист Султомурад ака Иброҳимов бошчилигида бригада тузилиб, тоқ қирқин, тоқ очини, ўғитлаш ва суғоришда намуна бўдилар. Богларда техникадан кўпроқ фойдаланиб, ҳар гектар ерда мажбуриятни қўлайдиган даражада ҳосил етиштиришга ҳаракат қилдик.

Республикамизнинг ва Ўзбекистоннинг 50 йиллик олин тўғини ёруғ юз билан қутиб олдик. Ўтган йиллардаги нисбатан гектар бошига олган ҳосил анча кўп бўлди.

План 12 сентябрда муддатидан олдин бажарилди. Колхозимизда 19 хил экин экилган эди. Барча экинлар тури бўйича берилган давлат планлари ортиғи билан адо этилди. Бунинг сирини шуки, биз экинларнинг ҳамма турини меҳр билан парварши қилдик. Ишнинг қўзғини биладиган, тажрибадор деҳқонлар бу ишларга бериштилд.

Эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва етилиб пишган сабзавот, картошка ва меваларни тезда топшириш учун қўлимиздан келган барча чораларни қўрдик. 5 минг тонна махсулот етиштириб бериш юзасидан эсимизга оширилган мажбурият олган эдик, су-

### КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ҚУБИШЕВ НОМИ КОЛХОЗ РАЙСИ СОИБ ҚОРАБОВЕВ ХИЖОА ҚИЛАДИ.

Зимининг устидан чикдик. Ваъда ортиғи билан бажарилди.

Ҳўжаликда беш йилликнинг белгиловчи йилида кўп бригадалар илгорлар сафига етиб олди. Зикрилла Юнусов, Қосим Абдуллаев, Ақром Одилов бошлиқ бригада аъзоларининг зўр гайрат ва ташаббус билан меҳнат қилишлари тўғрисида ҳар гектар ердан олган помидор ҳосили 350 центнердан, картошка эса 150 центнердан ошиб кетди. Ёқуб Усмонов бошлиқ аъзо саноат 400 центнердан, Қўлдош Мўминов бошлиқ аъзо эса саноат 370 центнерга етишиб помидор топширди. Ўлар ҳар гектар ердан 600 центнердан помидор сотиш юзасидан қизғин иш олиб бордилар. Шу тўғрисида қисқа вақт ичида колхозимиз 2 минг тоннадан ортиқ помидор сотиб, топириқни қарийб бир ярим баравар қилиб бажарди. Мева сотиш топириғи уч баравардан зиёдлаб қилиб адо этилди. Қўлдош топириғи планни қарийб бир ярим баравар ортиғи билан бажарилди.

Султомурад ака Иброҳимов раҳбарлик қилган бодорчилик бригадаси аъзолари эсиммага олган мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар.

Ҳўжалигимизда деҳқончиликнинг миридан-сиринча яхши биладиган кишилар борган сари қўлайлаштирилган тўғрисида ишлаб чиқариш ютуқлари салмоқли бўлмоқда. Гап ана шу далада ҳалол меҳнат қилаётган кишилар учун шарт-шаронти янада яхшироқ яратиб бериш-

га боғлиқ. Коммунистлар, правление активлари қишлоқда яшаб, унинг барча нитиёзларидан кенг фойдаланаётган, аммо жамоат ишларида кам қатнашган кишилар билан системали равишда иш олиб борди. Суҳбатлар ўтказди, уларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олди.

Дала шийпонларида болалар боғчалари ташкил этилди. Иссиқ оғират йўлга қўйилди. Деҳқонларнинг томоғига ерларда етиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини колхоз бозорларида сотишни тартибга кўйди. Меҳнат уюмдорлиги кескин ошди. Бригадаларда қилинаётган ишлар ҳар беш кунликда ақуланган, илгорлар тақдирланиб турдилар. Оқибатда эртанги, ўртаги ва кечини экинлар етиштириш ҳамда далага сотиш уюшқоқлик билан ўтказилди.

Шу кеча-кундузда сўнгги ҳосил йилигириб олинмоқда. Шу билан бирга келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарлик қўриляпти.

Чорвадорларимиз ҳам сабзавоткорлардан қўлимиздан ҳолда меҳнат қилишляпти. Шу сабабли давлатга қўш топшириш йиллик плани муваффақиятли бажарилди. Чорва кишлоқини намунали ўтказишга катта эътибор берилляпти. Сенаж боғи тириш мўлжалдаги нисбатан анча кўп бўлди. Силок тайёрлаш топириғи ортиғи билан адо этилди.

Коллективимиз шаҳарликларини ноз-неъматлар билан таъминлаш учун барча куч ва гайратларини сарфламоқдалар. Беш йиллик план топириқлари йил муддатидан олдин муваффақиятли адо этиб, эсиммага юклатилган вазифани шараф билан бажарамиз.

## Дунё хабарлари

### КОММУНИСТЛАР БИРДАМЛИГИГА БАРИШЛАНГАН МИТИНГ

ЛИССАБОН. 13 ноябрь. (ТАСС). Португалия пойтахтидаги спорт саройида Франция билан Португалия коммунистлари ўртасидаги дўстлик ва бирдамликка бағишланган кўп миш ишчилик митинг бўлди.

Митингда Португалия Компартияси Марказий Комитетининг тақдирини билан бу ерда меҳмон бўлиб турган Франция Компартияси делегациясининг бошлиғи ФКП Бош секретари Ж. Марше нутқ сўзлади.

Франция Коммунистик партияси, деди Ж. Марше, Португалия халқининг — мамлакатини демократлаштириш йўлида олиб бораётган кураши билан бирдир.

У митингга тўпланганларнинг гулдўр соҳасидаги остида Франция коммунистларининг совғаси — Париж коммунал газетасининг коллекциясини Португалия Компартиясининг Бош секретари А. Куиьялга топширди.

### Я. АРАФАТ НЬЮ-ЙОРККА УЧИБ КЕТИДИ

ЖАЗОИР. 13 ноябрь. (ТАСС). Фаластин озодлиги ташкилотини яқиндаги митингнинг раиси Я. Арафат бугун бу ердан самолётда Нью-Йоркка учиб кетди. Бу ерда БМТ Бош асамблеясининг сессиясида Фаластин проблемаси муҳокама қилина бошлади.

Я. Арафат Жазирага қилган қисқа муддатли визити чоғида Жазира Халқ Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси Х. Бумиддин билан ва бошқа расмий кишилар билан Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида ва ҳар икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар ҳақида музокара олиб борди.

### ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

УЛАН-БАТОР. Монғолиянинг Мандал-Тобн шаҳрида Совет Иттифоқи монғол халқига туғфа тариқасида қўриб берадиган ўқувчилар янги ўқув комплекси пойдевор қўйиш маросими бўлди.

Мақтаб комплекси пойдеворини қўйиш маросимида МХРП Марказий Комитетини Сийсий бюросининг аъзоси Н. Лувсанравдан, МХР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Д. Чавгмид ва бошқа кишилар ҳозир бўдилар.

БНА. Австриянинг Европадаги социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиғи ахирини ривожланимоди. Шу йилнинг тўғрисида ойна мобайнида Австриянинг шу мамлакатлардан қилган импорти 1973 йилнинг тўғрисида 43,5 процент кўпайган.

РАНГУН. Бирма меҳнат министриги социал страхование тўғрисида янги низоим ишлаб чиқишга киришди. Лойиҳага биноан, 60 ёшга йирган ва каммида 25 йил иш стажини бўлган эркаклар ва аёллар кескин пенсияси оладилар. Меҳнат қилишга қўйилмаслиқ пенсияси иш стажини каммида 10 йил бўлган тақдиринида тайинланади.

ИСЛОМОБОД. Покистон ҳўкумати федерал тергов агентлиғи тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Агентлиққа давлатнинг иқтисодий несиқини қўйиб қўйиб сотқилиш ва яқинотиларининг олдин олиш вазифаси топширилади.

ИТАЛИЯ. Касаба союзулари музокарига қўра мамлакатда қисқа муддатли иш ташлашлар давом этмоқда. Меҳнатқашлар иш ҳақини ошириш, ишчиларнинг тўғрисида зарур социал ислохотларни амалга оширишни талаб этмоқдалар. Сурагда: иш ташлаган алоқа ҳодимлари намоийи.

Киз ойига нисбатан 43,5 процент кўпайган.

РАНГУН. Бирма меҳнат министриги социал страхование тўғрисида янги низоим ишлаб чиқишга киришди. Лойиҳага биноан, 60 ёшга йирган ва каммида 25 йил иш стажини бўлган эркаклар ва аёллар кескин пенсияси оладилар. Меҳнат қилишга қўйилмаслиқ пенсияси иш стажини каммида 10 йил бўлган тақдиринида тайинланади.

ИСЛОМОБОД. Покистон ҳўкумати федерал тергов агентлиғи тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Агентлиққа давлатнинг иқтисодий несиқини қўйиб қўйиб сотқилиш ва яқинотиларининг олдин олиш вазифаси топширилади.

Янги агентлик, жумладан, ҳўсуслик сектор вакиллари томонидан капитални қонунга хилоф равишда чет элга ўтказиб юбориш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, давлат аппаратида, банкларда, страхование компанияларида ва национализация қилинган саноат қорхоналарида порахўрлик қилиш ҳодларини текширади.

БУЭНОС-АЙРЕС. Чили ҳарбий хўнараси ватанпарварлардан ўч олишни давом эттирмоқда. Чет эл информация агентликларининг хабар беришча, Сантьягода А. Лобос Санчес, Фернандо Эладидо Кортез ва Роберта Томас Перес қароқча олинган.

Сантьягонинг полиция маъмурулари уларнинг учаловини ҳам коммунист, деб айтишди. (ТАСС, 13 ноябрь).

### ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

ВАШИНГТОН. 14 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда транспорт соҳасида ҳамкорлик масаласлари билан шугулланувчи Совет — Америка қўшма комиссиясининг иккинчи сессияси ўз ишнини тамомлади. Комиссия СССР билан АҚШ ҳўкумати ўртасида 1973 йил 19 июндаги битимга мувофиқ тузилган.

Қўшма комиссия 1974 йил январь ойида Москвада бўлиб ўтган биринчи сессиядан кейин ўтган вақт давомида транспорт соҳасида ҳамкорлик юзасидан ҳар икки томоннинг фойдали тўғрисида ахборот тинглади ва ҳамкорлик программасини амалга ошириш даврида сиқинижа эришилганлигини маъмурият билан таъкидлади.

Қўшма комиссия унинг сессиясини 1975 йил январь ойида Москвада ўтказишга қарор қилди.



ТАСС фотохроникаси.

# СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ УЧУН

## ПРОПАГАНДИСТ — МАРКАЗИЙ ФИГУРА

СИЁСИЙ ўқув ва иқтисодий таълимнинг муваффақияти барча идеология ишларидаги каби аввало кадрларга боғлиқдир. КПСС Марказий Комитети Беларусияда идеология кадрлари билан ишлаш тўғрисидаги қарорда бунини яна бир бор алоҳида таъкидлаб кўрсатди.

ТОШКЕНТ областида тажрибали пропагандаистларнинг катта оғирлиги шунки бўлмоқда. Улар партия ташкилотларининг олтин фондиди ташкил этади. Партия ўқув системасидаги 8 минг 703 пропагандаистдан 92,7 проценти олий ва тўғалланмаган олий маълумотга эга. Уларнинг 43,5 процентида 3 йилдан 10 йилгача пропагандаистлик иш стажлари бор. Пропагандаистларнинг қарийб чораги 10 йилдан ортиқ вақтдан буён шу соҳада ишлаётган кишилардир.

Мақтаблар ва семинарларда машғулотларнинг 11,6 процент партия ходимлари, 23 процент корхона ва муассасаларнинг хўжалик мутахассислари, 18,3 процент ўрта мактаб ўқитувчилари, 11,7 процент олий ўқув юртимизнинг ўқитувчилари ва илмий ходимлари олиб бормоқдалар. В. И. Ленин номидаги электрон техника заводи директори В. Мушкарёв, «Ташсельмаш» заводи директори А. Зохидов, Ойқонқизил раёнидаги «Октябрь» колхозининг экономисти Н. Ахмедов каби пропагандаистлар катта оғир-этибор қозонишган.



Кейинги йилларда шаҳар, район партия комитетлари пропагандаист кадрларнинг ўқув юзасидан катта таърифа тўлади. Олмалик шаҳрида, Ёзувчи раёнида, Бекobod шаҳрида пропагандаистлар билан машғулот олиб боришнинг хилма-хил формаларидан актив фойдаланиб келинмоқда. Жумладан оқш даслар ўтказилмоқда, таъриба алмашилмоқда, юмалоқ стол атрофида учрашувлар ва ҳақозорлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга пропагандаистлар билан машғулот ўтказишнинг актив формаларига кам этибор берилмаётган район партия комитетлари ҳам йўқ эмас. Жумладан, Янгийўл, Чиноз раёонларида шундай ахволда дуч келиш мумкин. Пропагандаистларнинг доимо ишловчи олаб ва па-

ҳар семинарларига одамларнинг давомати қониқарли эмас. Ижтимоий тараққиёт ва идеология фаолиятининг ҳозирги босқичи тақоза этаётган юксак талаблар пропагандаистларнинг назарий ва методик тайёргарлигини ҳар томонлама яхшилаш, уларнинг хабардорлигини таъминлаш талаб этади. Пропаганда ишнинг самарадорлиги, пропагандаистнинг омма тоғвий мураббийси, тарбиячиси ва ташкилотчи си. фатидаги ролини янада яхшилаш ва кучайтиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб турибди. Шу муносабат билан Владимир Ильич номидаги Москва электротехника заводи ҳамда В. И. Ленин номидаги Иваново камволь комбинати пропагандаистларнинг маълум таълабубусини янада кенг ёйиш мақсадида мувофиқдир. Тарбиявий ва ташкилотчилик ишларининг қўниқмаларини яхшироқ эгаллаб олишда пропагандаист активларга ёрдам бериш лозим. Коммунистларнинг, кенг меҳнатнашлар оmmasининг онглигини оширишда, барча кучларнинг меҳнат коллективлари олдига турган конкрет вазифаларини ҳал этишга сафарбар этишда уларга доимо таяниш керак. Ленинча анъаналар руҳида пропагандаист кадрларга қўндалик ғамхўрлик қилиш, улар составининг стабиллигини мустаҳкамлаш, самарали ишлаш учун уларга шароит яратиш бериш талаб қилинади. Партия пропагандаисти деган юксак унвоннинг обрўси ва этиборининг ҳар томонлама ошониш лозим.

Област партия ташкилотлари сиёсий маорифни ташкил этишда етарли таърибага эгаллар. Коммунистлар, комсомоллар, партиясииз активларнинг марксча-ленинча ўқувини янада таъминлаштириш борасида барча шарт-шароитлар маъжуд. Вазифа КПСС XXIV съезди белгиланган режаларини мунаффақият билан амалга оширишда, беш йиллик марраларини эгаллашда, янги зафарлар кўчишда сиёсий ўқувнинг ишминизга ёрдам беришига эришишдан иборат.

Д. УСМОНОВ,

Тошкент области партия комитети сиёсий маориф уйи мудирининг ўринбосари.



ИЛГОР ПРОПАГАНДИСТЛАР. 1. Республика мактабгача педагогика билим юртининг ўқитувчиси Т. Алимова. 2. Тошкент олий партия мактаби экономика кафедраси мудирининг ўринбосари Б. Фофанов. 3. Ўзбекистон металлургия заводининг пех бошлиғи З. Раҳматов. 4. Юқори Чирчиқ районидаги 26-мактаб ўқитувчиси И. Мирзақулов. 5. Ўрта Чирчиқ райондаги Оқунобоев номи колхоз пропагандаисти У. Сафаров.

А. Абалов фотолари.

## ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Куни-кеча бепоеи даладарда терим аяқиди эди, энди бўлса гўзаолоялар тозаланмоқда. Қудратли тракторлар ер ағдармоқда.

Оқшом тушиши билан дала қаҳрамонлари меҳнат fronti, дан — ҳаёт дарсонасига олланадилар. Бугун партия сиёсий-маориф системасида биринчи машғулотлар бошланади. Биринчи машғулотларнинг уюшқонлиқ ҳамда қизиқарли ва мазмунли ўтказилиши — кейинги машғулотларнинг муваффақият олиб боришишда, муҳим босқич бўлади.

Шунинг учун ҳам, — дейди Пискент районидаги Оқунобоев номи колхоз партия ташкилотининг секретари Аваз Эргашев, — биз янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрдик. Ҳар йилдек-бу йил ҳам иккинчи ўқув-таълим марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш тўғрисида иш олиб боради. Биз ўтган йилги таърибаларни умумлаштириб, пропагандаистлар талаш ва уларни тайёрлашга алоҳида аҳамият бердик. Йўлдош Эргашев — моҳир пропагандаистларнинг бири. У машғулотларни ўтказишдан олдин район, хўжалик ҳаётига онд маълумотларни ўрганади. Ўқув хонасини кўргазмали жиҳозлар, хўжаликнинг юксалиши, иқтисодий кўрсаткичлардан ҳикоя қилувчи диаграммалар билан жиҳозлашга алоҳида этибор беради.

Ўтган ўқув йилида у раҳбарлик қилган тўғарада 25 киши билим олган эди. Усмон Тошев,

механизатор Хатир, Сайфиддинова, илгор бригада бошлиғи Исхон Сардоров, Туроб Асраев, зveno бошлиғи Эркин Чинибеков, бригадир Норинбой Ҳасанов ўртоқлар машғулотларда актив қатнашдилар. Машғулотларнинг ҳаёт билан ҳамнафас боғлаб олиб борилиши ишлаб чиқаришга катта самара бермоқда. Айрим бригадаларда бу йил 32—34 центнердан ҳосил олинди. Турсунович Хатир Сайфиддинова мавсумда 100 тоннадан ошириб пахта терди.

Бизда иқтисодий билимларни тарғиб қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ана шу мақсадда 6 та мактаб ташкил этилган. Бу мактабларнинг иккинчиси бошланғич зveno ҳисобланади. Уларда, асосан, оидий колхозчилар билим оладилар. Иккинчи ўрта зveno иқтисодий мактабда ферма ходимлари, бригада, бошлиқлари, зveno бошлиқлари ўз малакаларини оширидилар. Колхоз гаражида эса коммунист меҳнат мактаби ташкил этилган бўлиб, у ерда шоферлар, механизаторлар, слесарлар ўз билимларини оширидилар. Олти иқтисодий мактаб машғулотларида жами бўлиб 142 киши қатнашди. Машғулотларни малакали,

моҳир иқтисодчи пропагандаистлар олиб борадилар. Ушаста агрономи Муносиб Авазов, бош бухгалтер Омоний Бўров, бош агроном Эркин Ҳамидов сингари пропагандаистларнинг машғулотларидан тингловчилар мамнун. Иқтисодий билим таълимида таълим олган суғилардан Ўро Назиров, Малик Носимов, бригада бошлиқлари Нодир Тошев, зveno бошлиқларидан Абдураим Абдусаматов сингари ўртоқлар бу йил ўз фаолиятларида яхши натижаларга эришдилар. Юбилей йилин юқори кўрсаткичлар яхши иқтисодий натижалар билан якунламоқдалар.

Иқтисодий билим мактабларида машғулотларнинг мазмунли ва қизиқарли ўтишида колхоз бош экономисти Озод Абдуллаев ҳиссаси катта бўлмоқда. У пропагандаистлар билан мустаҳкам алоҳида бўлиб туради. Уларга колхоз, бригадалар, звенолар бўйича эриши, лаётган кўрсаткичларга онд маълумотларни бериб туради. Пропагандаистлар ўз машғулотларида бу маълумотлардан фойдаланиб, тингловчилар диққат-этиборини кам харажат қилиб, мўл ва арзон маҳсулот етиштиришга жалб этадилар.

Бу йил колхозимиз бўйича ўтган йилдагидан 500 тонна кўп, яъни 3893 тонна ҳосил етиштирилган экан. Бунда ҳаёт-ҳаёт сиз, машғулотларнинг ҳаёт билан ҳамнафас олиб борилаётганининг ҳам роли бор. Бу йил ҳам марксизм-ленинизм асослари мактаблари ва иқтисодий тўғарақларда машғулотларни уюшқонлиқ билан бошлашга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдик.

Н. РИХСНЕВ.

## Ўқув йили АРАФАСИДА

Сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари мудириларнинг республика семинар-кенгаши Тошкентда тўрт кун давом этади. Бу семинар-кенгаши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уюштирган эди. Учрашув сиёсий ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йилига бағишланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва бошқа республика ташкилотларининг масъул хо-

димлари тўпланганлар ҳузурида партия пропагандаистини самарадорлигини янада ошириш, йилларини голий-сиёсий тарбиялаш кучайтириш, коммунист меҳнат мактабларининг иштини таъминлаштириш вазифалари тўғрисида лекция ва докладлар билан қилилар. Учрашув қатнашчилари ўз таърибаларини ўртоқлашдилар, бир қанча сиёсий маориф кабинетларини бориб кўрдилар. (ЎЗАТА).

## ҒОЛИБЛАРГА ДИПЛОМЛАР

ОБЛАСТИМИЗ сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари пропагандаистларга назарий ва методик ёрдам кўрсатиш юзасидан ўз фаолиятларини тобора яхшиламоқдалар. Бундай уй ва кабинетлардан кўллари идеология ишнинг чинакам методик марказларига айланиб қолди.

КПСС XXIV съездининг меҳнатшарни коммунист тарбиялаш кучайтириш юзасидан қарорларини бажариш бўйича олиб бораган актив ишлари учун аяқиди Тошкент об-ласт партия комитетининг сиёсий маориф уйи Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-

тетининг дипломига сазовор бўлди. Шунингдек, Бекobod шаҳар партия комитети, Октябрь район партия комитети ҳамда В. П. Чкалов номидаги аниация бирлашмасининг партия комитети сиёсий маориф кабинетлари ҳам дипломлар олдилар. Жамоатчилик асосида ишловчи сиёсий маориф кабинетлари орасида пойтахт об-ласт бўйича Ангрен шаҳар кўнгр разрез кабинети энг яхши, деб топилди. Сиёсий маориф кабинетларининг ижобий фаолияти муносив тақдирланганлиги улар фаолиятини янада таъминлаштиришга ёрдам қилади.

## ПУХТА ШАЙЛАНИБ

РАЙОН партия ташкилоти 1974—1975 ўқув йилига ҳар йилгидан ҳам пухта тайёргарлик билан келди. Бу йил районодаги маъжуд 24 та бошланғич сиёсий мактабда 432 нафар, 82 та марксизм-ленинизм асослари мактабда 1987 нафар, олий звенодоги 26 та назарий семинарларда 72 нафар киши таълим олади.

Бу раҳбар кадрларнинг ўқувига аниқсис катта этибор берилмоқда. Райком бюросининг аяқиде қабул қилган қарорига қўра район партия комитети номинда турасидаги раҳбар кадрларнинг 8 та назарий семинари ташкил этилиб, бунга 330 дан зиёд тингловчи жалб қилинди. Улар орасида қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, маориф, медицина, савдо, маданият, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари бор. Мазкур семинарларда марксча-ленинча назария, КПСС XXIV съезди томонидан илгари сурилган иқтисодий проблемалар ўрганилади.

Партия ўқувининг муваффақиятли олиб борилишида райономиздаги сиёсий маориф кабинетлари яқиндан ёрдам бермоқда. Бизда олтин кабинет маъжуд. Шундан бештаси колхоз ва совхозлар қошидаги жамоатчилик асосида

ишлайдиган кабинетлардир. Ҳар бир кабинетнинг методик совет аъзолари партия ўқувига самарадорлигини ошириш борасида жиддий иш олиб бормоқда. Яқинда биз шу совет аъзоларининг ёрдамида ўқувнинг ҳамма звенолари бўйича план-программаларини ишлаб чиқдик. Бу программалар район газетаси саҳифасида эълон қилинди.

Район партия комитети ҳузуридаги сиёсий маориф кабинети пропагандаистларнинг доимий ишловчи тармоқли семинарларини ўтказиб келмоқда. Янги ўқув йили ани шундай семинарлар билан ойда икки мартадан бўлади. Яқинда партия, комсомол сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим пропагандаистларининг янги ўқув йили олдидан қўшма семинарини чакқидик. Бу семинарда янги ўқув йилининг асосий вазифалари белгиланб олинди. Шубҳа йўқки, район активи, пропагандаистларимиз, барча коммунистлар 1974—1975 ўқув йилини замона талаблари даражасида ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Р. ЮНУСАЛИЕВ,

Бекobod район партия комитети сиёсий маориф кабинетининг мудири.



ПАРТИЯ маорифи ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили бошланғич олдидан об-ласт миқёсдаги сиёсий маориф кабинетларининг мудирилар ўзаро фикр алмашиб олдилар. Суратда: улардан бир группасини кўриб турибсиз.

## ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР САМАРАСИ

БУ ЙИЛ райономизда ағвалги ўқув йилидагидек иқтисодий таълим системасига катта этибор берилди. Янги ўқув йилида ҳаммаси бўлиб 4278 киши ва колхозчи иқтисодий билимларини оширдилар. Шулардан 1700 дан ортиғи иқтисодий ўқувга яқиндан жалб қилинган кишилардир. Улар «Иқтисодий билим асослари» курсини ўрганишди.

Ўрта зveno раҳбар ходимларидан бригада бошлиқлари, фермаларнинг ишчилари, зveno бошлиқлари, механизаторлар, ўрта бошқарув аппарати ходимларидан 323 киши 90 соатлик программа бўйича «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш асослари» курсини ўрганишди. Уларнинг кўпчилигини яқиндан ўқувга жалб этилган кишилардир.

Ўрта зveno учун 28 пропагандаистлар состави олий маълумотли кишилар, мутахассислар, иқтисодчи, ирригатор, инженер, бухгалтерлардан ташкил топган. Булардан ташқари

колхозчиларини ўқитиш учун 111 пропагандаист шай бўлиб турибди. Улар район партия комитетида қайта тайёргарлик кўришди. Райком секретарлари, ишлаб чиқариш бошқармасининг бош мутахассислари улар билан семинар машғулотлари ўтказишди.

Семинарда пропагандаистлар ўзаро таърибаларини ҳам ўртоқлашдилар. Ўтган йилги ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилилар. Бир неча йилдан буён пропагандаистлик қилиб келадиган Рашид Галломов («Қўқорол» совхоз), Қим Ирина («Бўна» совхоз), Пирмат Исмаилов (Фрунзе номи колхоз), Тўқбой Айбобоев («Октябрь 40 йиллиги» колхоз), Маъмур Ёлбоев (Тимирязев номи колхоз), Абдувоҳид Телаев (Ҳамза номи колхоз) ўртоқларини таърибаларини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ўртоқлар машғулот олиб бораётган хўжаликларда иқтисодий таълим яхши самара бермоқда.

Мисол учун «Октябрь 40 йиллиги» Ҳамза номи кол-

хозларини. «Қўқорол» совхозини кўрсатиш мумкин. Бу хўжаликлар пахтачиликда ҳам, деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида, ҳам яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг азамат пахтакорлари, чорвадорлари, сут соғувчилари эришган юксак марраларда, иқтисодий таълимнинг қанча катта наф келтирганини хўжалик аъзоларининг ўзлари тақдор ва тақдор этирофи этадилар.

Бу янги ўқув йилида ҳам иқтисодий таълимнинг самарадорлиги учун унинг ишлаб чиқаришга таъсирини ошириш учун асосий этибор қилинади. Машғулотлар ишлаб чиқариш билан яқиндан боғланган ҳолда олиб борилади. Ўқувнинг қандай бораётганини бошланғич партия ташкилотиде тез-тез муҳокама қилиб туриш мўлжалланмоқда.

Э. ИҶДОШЕВ,

Бўна район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

## ТИНГЛОВЧИЛАР МАСЪУЛИЯТИ

ЯҚИНДА ўтган партия мажлисида янги ўқув йилига тайёргарлик масаласи кўриб чиқилди. План тасдиқланди.

Биз назарий семинар формасини давом эттирамиз. КПССнинг ташки сиёсати масаласини ўрганимиз.

Марксизм-ленинизм асосчилари асарларини ўрганиш бўйича конкрет асарни таллашдик. Биз В. И. Лениннинг «Нима қилмоқ керак?» асарини тингловчилар диққатига ҳавола этдик. Сиёсий ўқиш бўйича тузилган методик совет тегишли тавсияларни ишлаб чиқди. Адебиет рўйхатини аниқ кўрсатиб тингловчиларга тарқатди. Биз «Нима қилмоқ керак» асарини қуйидаги мазмунларга бўлиб чиқдик:

1. В. И. Ленин революцион таълимнинг аҳамияти ҳақида. Ишлар ҳаракатидаги тарқоқлик ва онглилик тўғрисида.
2. Бу мавзун эса тингловчиларга қуруқроқ етказиш учун яна майда пунктларга бўлибди:
- а) Экономизм — халқроқ оппортунизмнинг Россиядаги кўриниши; б) В. И. Ленин XIX асрнинг 90-йилларидаги савкаларнинг стихияли ҳаракати экени тўғрисида; в) Илмий коммунизм таълимнинг пролетариат синифи, қурашдаги аҳамияти тўғрисида; г) Революцион таълимнинг Рос-

сия марксистлари учун аҳамияти; д) Стихияли ишчилар ҳаракатининг илмий коммунизм таълимоти билан куруланишида партиянинг роли; е) буржуа ва социалистик идеология. Буржуа идеологияси қарши кураш зарурати;- 2. В. И. Ленин ишчилар синфининг сиёсий тарбиясида партиянинг роли ҳақида.
- 3. Россияда марксистик партияни тузиш бўйича В. И. Ленин ишлаб чиққан план.
- 4. РСДРП II съезди. Партиянинг ленинча программаси лойиҳаси.
- 5. Янги типдаги партиянинг ленинча ташкилий принциплари.

Ана шундай юқоридаги мазмунлар бўйича тингловчиларга йўлланмалар ҳам берилди. КПССнинг ташки сиёсат бобидаги ленинча тинч-тотув яшаш принциплари ўз-ўзидан келиб чиқмаганини яхши англаш учун унинг ибтидосини билиш керак. Шу мақсадда биз «Нима қилмоқ керак?» асарини таллашдик.

Бу асарда буюк доҳиймиз оппортунистларнинг авра-астарини

рефератларини ҳимоя қилдилар. Ҳар бир тингловчи ўзига биринчи-тилар билан мунозақа қилиш назор В. И. Лениннинг «Нима қилмоқ керак?» асари бўйича синоддан ўтти шарт.

Бизнинг академик М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейимизда 10 дан ортиқ фан кандидати оммага сиёсий-маданий ани тарқатувчи ўнлаб илмий ходимлар ишловини ҳисобга олганда, бунинг аҳамияти беқийс катта. Марксизм-ленинизм асослари улар учун ҳаммадан қим қатта роль ўйнаш турган гап. Улар шу 9 ой мобайинда республика шаҳар ва қишлоқларида, корхона, колхоз-совхозлар ва мактабларда 125 дан зиёд лекциялар ўқидилар.

Х. СОДИҚОВ, пропагандаист.

